

«Шахрисабз вино-арок» акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши мажлиси
3-сонли БАЁННОМАСИ

2016 йил 10 март

Тошкент шаҳри
Абай кучаси 6-уй, соат 11-00

Мажлисда қатнашганлар:

З.Якубов	-	Кузатув кенгаши раиси;
Ш.Садиков	-	Кузатув кенгаши аъзоси;
Т.Казаков	-	Кузатув кенгаши аъзоси;
К.Худайбердиев	-	Кузатув кенгаши аъзоси;
С.Тошев	-	Кузатув кенгаши аъзоси.

Таклиф этилганлар:

А.Азимов	-	Кадрлар билан ишлаш мухандиси;
Ш.Исматов	-	Қимматли қоғозлар буйича мутахассис;
Танловда иштирок этган барча номзодлар ёки уларнинг вакиллари.		

Кузатув кенгаши раиси З.Якубов мажлисда Кузатув кенгашининг 5 аъзоси катнашаётганлигини, кворум 100 фоизни ташқил этишини таъкидлаб, мажлис ўтказилиши ваколатли деб ҳисобланишини маълум қилди ва мажлисни очик деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси З.Якубов сўзга чиқиб, мазкур йиғилиш жамият кузатув кенгашининг 2015 йил 12 ноябрдаги 11-сонли мажлис қарори билан тасдиқланган “Жамият бошқарув органи раҳбари лавозимига номзодларни саралаш регламенти”ги кўра ва амалдаги қонунчилик талабларига асосан ўтказилаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4720-сонли Фармониға мувофиқ 2015 йилнинг 13 августидаги аттестация комиссиясининг ҳулосасига кўра собик жамият директори эгаллаб турган лавозимига нолайик деб топилганлиги сабабли жамият директори лавозимига белгиланган норматив ҳужжатларга асосан танлов ўтказилаётганлигини айтиб ўтди. Шунга кўра 2015 йилнинг 20 ноябрь куни жамият ижроия органи раҳбари лавозимига танлов ўтказиш ҳақида эълон оммавий ахборот воситаларида, жумладан Давлат ракобат қўмитаси, “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси ва жамиятнинг расмий веб сайтларида чоп этилганлигини таъкидлади.

Шу муносабат билан “Шахрисабз вино-арок” акциядорлик жамияти директори ва бош мухандис номзодларини танлаш бўйича танлов комиссиясининг кун тартиби қуйидагича белгилаб олинди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Шахрисабз вино-арок” АЖга танлов асосида директор танлаш.

2. “Шахрисабз вино-арок” АЖга танлов асосида бош мухандис танлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича Кузатув кенгаши раиси З.Якубов сўзга чикиб, танлов комиссияси аъзоларига комиссия ишини олиб бориш тартиби, баҳолаш мезонлари ва кун тартибига алоқадор бошка масалалар билан таништириб, “Шахрисабз вино-арок” АЖ директори ва бош мухандислигига киритилган номзодлар бўйича тўпланган хужжатлар белгиланган талабларга асосан махсус конвертга солиниб, мухрланганлигини комиссия аъзоларига бирма-бир кўрсатиб, танлов ишини бошлашни келишиб олди.

Шундан сўнг Кузатув кенгаши раиси комиссия аъзоларини “Шахрисабз вино-арок” АЖ директори лавозимига такдим этилган жами 5 та номзод билан бирма-бир таништириб бориш учун ҳар бир номзоднинг маълумотлари жамланган конверт комиссия аъзолари кўз ўнгида очилишини маълум қилди ва уларнинг фаолияти бўйича тўпланган маълумотлар комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди. Танлов жараёнида комиссия раиси ва аъзолари томонидан баҳолаш мезонларига кўра ҳар бир киритилган номзодга тегишли саволлар берилди ҳамда уларга қўйилган баллар комиссия котиби томонидан ҳисоблаб борилди. Жумладан,

1. Рузиев Содикжон Жалолович – “Шахрисабз вино-арок” АЖ қошидаги винпункт мастери томонидан тўпланган баллар сони – 25;

2. Гуламов Соъдулло Имомович – “Шахрисабз вино-арок” АЖ директори в.в.б. томонидан тўпланган баллар сони – 29;

3. Бобоқулов Диёр Эшонқулович – “Фармон Дон Шахриёр” фермер хўжалиги раиси томонидан тўпланган баллар сони – 26;

4. Умидов Илхом Исмоилович – “Кеш АгроИмпекс” МЧЖ директори томонидан тўпланган баллар сони – 16;

5. Умедов Аслиддин Усмонович – “Кеш АгроИмпекс” МЧЖ директори ўринбосари томонидан тўпланган баллар сони – 12.

Танлов комиссияси ишининг якуний натижаларига кўра танловда ҳозирги кунда “Шахрисабз вино-арок” АЖ директори вазифасини вақтинча бажарувчиси Гуламов Соъдулло Имомович энг юқори бал жамлади.

Кузатув кенгаши раиси З.Якубов танловга қўйилган номзодлар ва уларнинг вакиллари танловнинг ўтказилиши, натижалари бўйича қандай фикр ва мулоҳазалари, эътирози ёки уларга нисбатан ҳисобланган балларга норозиликлар бор ёки йўқлиги ҳақида фикрларини сўради.

Номзодлар ва уларнинг вакиллари танлов комиссияси ишига ҳеч қандай эътироз ва норозиликлар йўқлигини, комиссия томонидан уларга нисбатан ҳисобланган баллар тўғри қўйилганлигини, танлов белгиланган қонун-қоидаларга мос равишда очик ва адолатли ўтказилганлигини таъкидлашди.

Мазкур таклиф Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида овозга қўйилди:
Тарафдор-5 киши, қаршилар- йўқ, бетарафлар- йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича комиссия аъзоси Ш.Садиқов сўзга чикиб, “Шахрисабз вино-арок” АЖ бош мухандислик

лавозимига жами 2 та номзод, яъни Исматов Шухрат Бахромович – “Шахрисабз вино-арок” АЖ кимматли қоғозлар бўйича мутахассиси ва Мухторов Бехзод Шарипжонович– “Шахрисабз вино-арок” АЖ Инвестиция масалалари бўйича мутахассиси номзодлари киритилганлигини маълум қилди. Аммо, тасдиқланган танлов Регламентига кўра, агар киритилган номзодлар сони учтадан кам бўлса, конкурс ўтказилиши мумкин эмас деб ҳисобланади. Шу муносабат билан, “Шахрисабз вино-арок” АЖ бош муҳандислик лавозимига танлов ўтказиш ҳақидаги эълонни белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида ва расмий веб сайтларда чоп этиш йўли билан жорий йилнинг 30 мартигача узайтириш таклифини киритди.

**Мазкур таклиф Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида овозга қуйилди:
Тарафдор-5 киши, Қаршилар- йўқ, Бетарафлар- йўқ.**


**Кун тартибига қуйилган масала муҳокамаси ва таклифларни
инobatга олиб, жамият танлов комиссияси аъзолари йиғилиши**

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:


1. “Шахрисабз вино-арок” АЖ директори лавозимига танлов якунларига кўра “Шахрисабз вино-арок” АЖ да директор вазифасини вақтинча бажариб келаётган Ғуламов Соъдулло Имомович голиб деб топилсин ва танлов натижалари умумий йиғилишда тасдиқлаш учун киритилсин.


2. “Шахрисабз вино-арок” АЖ бош муҳандислик лавозимига танлов тасдиқланган регламент талабларига мос келмаганлиги туфайли ўтказилмаган деб топилсин ва танлов ўтказиш ҳақидаги эълонни белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида ва расмий веб сайтларда чоп этиш йўли билан жорий йилнинг 30 мартигача узайтиришни назорат қилиш вазифаси “Шахрисабз вино-арок” АЖ директори в.в.б. С.Ғуламов зиммасига юклатилсин.


Кузатув кенгаши раиси:


 3.Якубов

Кузатув кенгаши аъзолари:


 Ш.Садиков

 Т.Казаков

 К.Худайбердиев

 С.Тошев

Котиб

 Ш.Исматов